

## ЎЗ ҚАТЛАМГА ДОИР ГРАММАТИК ТЕРМИНЛАР ВА УЛАРНИНГ ЭЛЕКТРОН ЛУҒАТИНИ ЯРАТИШ МУАММОЛАРИ

Л.Раупова,

А.Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек  
тили ва адабиёти университети, “Лингводидактика”  
кафедраси профессори, ф.ф.д.

**Аннотация.** Мақолада ўз қатламга доир грамматик терминлар ва уларнинг электрон луғатини яратиш муаммолари, терминологик луғатларни яратишда терминологик фаолиятнинг атамаларини таҳрирлаш, яъни терминларнинг тўғри қўлланилиши ва мувофиқлигини баҳолаш муаммолари хусусида сўз юритилади.

**Калит сўзлар:** *грамматик термин, электрон луғат, атамаларни таҳрирлаш, илмий транскрипция ва амалий транскрипция*

Дунё тамаддунида илм-фан ролининг тобора ортиб бораётганлиги, тўпланадиган, қайта ишланадиган ва тарқатиладиган билимлар ҳажмининг ортиши дунё тилшунослари олдида терминология ва терминография соҳасида янги изланишлар олиб бориш зарурияти турганлигини кўрсатди. Соҳавий терминлар базасини яратиш, тизимлаштириш, автоматлаштириш, уларни замонавий ва амалий тилшуносликнинг ўзак масалаларидан бири ҳисобланган мувофиқ келувчи корпусда акс эттириш, унда ўзлашган ва ўз қатлам терминларининг ўрнини белгилаш ушбу йўналишда кейинги олиб бориладиган тадқиқотлар учун манба вазифасини бажариши маълум. Дунё лексикографиясида луғат яратиш бўйича кўп асрлик анъаналар шаклланган бўлишига қарамай, терминологияни тартибга солиш ва тавсифлашни автоматлаштиришга оид умумий назариялар етарли даражада ривожланмаганлигини кўрсатади. Шу билан бирга терминография соҳасида ҳам ечимини кутаётган ишлар салмоқли. Терминология устида иш олиб бориш бир қанча босқич ва шартларни ўз ичига олади. Улардан бири терминологияни инвентаризация қилиш, яъни муайян билим соҳасига ёки унинг бўлимларидан бирига тегишли атамаларни тўплаш ва тавсифлашдир. Шу билан бирга, терминга оид барча мавжуд маълумотлар – уларнинг этимологияси, ишлатилиш частотаси, турли лингвистик хусусиятлари ёритилади.

Кўриниб турибдики, кўпинча инвентаризация терминологияни тартибга солиш, унинг тизимлараро алоқаларини аниқлаш борасидаги дастлабки қадам

бўлади. Терминалогик луғатларни тузишга кўп сонли мутахассислар жалб этилади, луғат учун зарур ва қатъий меъзонлар белгиланади. Аммо соҳавий терминлар луғатида мезонлар тавсия этилган атамалар хусусиятини инобатга олган ҳолда мувофиқлаштирилиши мумкин. Терминологик луғатларни яратишда терминологик фаолиятнинг атамаларини таҳрирлаш, яъни терминларнинг тўғри қўлланилиши ва мувофиқлигини баҳолаш ва мувофиқ келмаган атамаларни тавсия этилган ва стандартлаштирилган шакллар билан алмаштириш муҳим жараёнлардан бири ҳисобланади.

Ўзлашма грамматик терминларнинг ўзига хос хусусиятларини ўзбек ва инглиз тилларида ёритишдан олдин грамматика терминиға қисқача тўхталиб ўтамыз. Маълумки, тил грамматикаси тилнинг қай шаклда тузилганлиги, тилда сўзларнинг ўзаро қандай конструктив асосда боғланиши, гап тузишда уларнинг боғланиш имкониятлари чегаралари ва бошқа ўзига хос хусусиятларини очиб берувчи фан соҳаси ҳисобланади.

Грамматик терминлар тилнинг лексик бирлиги сифатида ички имкониятлар орқали ясаиш ёки турли фонетик ҳодисаларга учраган ёки учрамаган ҳолатда ўзлаштириши мумкин. Шу ўринда бир тилдан иккинчи тилға сўз ўзлашиш ҳодисасига оид муҳим жиҳатларға тўхталиб ўтиш мақсадға мувофиқ. Терминнинг ўзлашиши – бир тилдаги грамматик термин элементларининг иккинчи бир тилға ўзлашиш жараёни ҳисобланади. Бунда ўзлашма бирлик муайян лингвистик ва экстралингвистик омиллар натижасида бевосита ёки билвосита иккинчи тилға қабул қилинади ҳамда фойдаланилади. Тилда, одатда, терминлар ўзлашиши тилнинг луғат, фонология ва грамматика қатламларида фаол кузатилади. Терминлар ўзлашишида қуйидаги усул ва методлардан фойдаланилади.

**Транскрипция** (transcriptio кўчириб ёзиш) – ёзувнинг нутқ товушлари талаффузини аниқ ифодалаш учун ишлатиладиган сунъий (шартли) тури ҳисобланади; нутқ бўлаклари(товуш, бўғин, сўз)нинг товушға хос сифатларини ёзувда аниқ акс эттириш усули ҳам транскрипцияни назарда тутади. Транскрипция иккиға бўлинади: *илмий транскрипция* ва *амалий транскрипция*. Илмий транскрипция маъно тури ўз хусусиятиға кўра, фонетик ва фонематик транскрипцияларға бўлинади. Фонетик транскрипция оғзаки нутқни барча хусусиятлари билан ёзувда аниқ акс эттиришни кўзда тутади ва хорижий тил (масалан, инглиз тили) луғатида, лингвистикаға оид дарсликлар ва нотиклик қўлланмаларида, жонли тилни ёзиб олишда (диалектологик ёзувлар, фонетика дарсликлари ва бошқалар) қўлланади. Фонетик


транскрипциянинг асосий принципи шундаки, талаффуз этилган ҳар бир товуш ёзувда алоҳида қайд этилиши керак. Фонетик транскрипция, одатда, амалдаги бирор алифбо асосида, унга нутқ аъзоларидаги айрим артикуляцияларни акс эттирувчи ост-уст белгилари ёки ихтиёрий ўйлаб топилган белгилар тизимини қўшиш орқали ҳосил қилинади. Фонематик транскрипция ҳар бир сўзни фонема таркибига кўра акс эттиради. Ушбу транскрипциянинг принцигига кўра, ҳар бир фонема, позициясидан қатъи назар, доимо айна бир белги билан акс эттирилади. Фонематик транскрипцияда фонетик транскрипцияга қараганда камроқ белги ишлатилади, чунки фонемалар миқдори доимо вариантлар миқдоридан кам бўлади. Амалий транскрипция муайян миллий алифбо воситалари орқали бошқа тиллардаги атоқли отлар, терминлар, махсус номлар ва шу каби таржима қилинмайдиган сўзларни акс эттиради ва шу йўл билан уларни қабул қилувчи тилнинг босма матнларига киритади. Амалий транскрипция қабул қилувчи тил алифбосидаги белгилар чегарасидан чиқмайди, лекин белгиларнинг айрим ғайриодатий қўлланишларига йўл қўяди. Амалий транскрипцияга қўйиладиган асосий талаблардан бири қабул қилинаётган бирликнинг талаффузини имкон қадар аниқ сақлаб қолишдир. Шу билан бирга, амалий транскрипция сўзнинг морфем тузилишини, унинг график хусусиятлари ва бошқаларни сақлаб қолиши ҳамда муайян сўзнинг осон ўзлашишини таъминлаш керак бўлади.<sup>1</sup> Юқорида инглиз тили грамматикаси шаклланишига асос сифатида юнон тили олинганлига ҳақида фикрларни келтириб ўтган эдик. Айнан ўзбек тили грамматик терминларининг аксарияти воситачи тил орқали инглиз ёки рус тилидан олинган ҳисобланади ва қуйида транскрипсия методи ёрдамида ўзлашган терминларини *Lexicology* – *Лексикалогия*, *Lexeme* – *Лексема*, *Syntax* – *Синтаксис* мисол қилишимиз мумкин.

**Транслитерация** (trans ва лот. litera – ҳарф) – бир график тизим (алифбо) асосида ёзилган матнлар ёки алоҳида сўзларни бошқа бир график тизим (алифбо) воситалари билан ҳарфма-ҳарф акс эттириш<sup>2</sup>. Бу усул ҳам грамматик терминларни акс эттиришда фаол қўлланилади. Масалан: *predicate* – *предикат*, *transitive* – *транзитив* ва ҳаказолар.

<sup>1</sup> <https://uz.wikipedia.org/wiki/Transkripsiya>

<sup>2</sup> <https://uz.wikipedia.org/wiki/Transliteratsiya>

**Таржима** – бир тилдаги матнни бошқа тилда қайта яратиш ҳисобланади, транскрипция ва транслитерациядан фарқли равишда грамматик терминларни ўзлаштиришда энг фаол қўлланилувчи усул ҳисобланади. Бунда сўзнинг семантик майдонидан келиб чиқилади. Асли лотин тилидан олинган терминларнинг кўпчилиги бир тилдан иккинчи тилга ўзлаштирилганда таржима қилинади. Яқин давргача электрон лексикография такомиллашганлик нуқтаи назаридан лингвистиканинг кам ривожланган соҳаларидан бири ҳисобланган. Бунинг асосий сабаби сифатида анъанавий қоғоз луғатларни яратиш учун луғат мақолаларини йиғиш, картатекаларни тўплаш, ёзма манбалардан керакли лингвистик матераилларни ажратиб олиш жуда кўп вақт, меҳнатни талаб қилган. Анъанавий лексикографиядан фарқли равишда замонавий лексикография керакли маълумотни ишончли, ихчам ҳажмда тўплаш, сақлаш ва қайта ишлаш имконини берувчи фаол электрон луғатларни яратиш нуқтаи назаридан янада тараққий топган ва истиқболли соҳалардан бирига айланмоқда. Маълумки, анъанавий луғатлар жонли тилда юз бераётган ўзгаришлар, хусусан, янги пайдо бўлган сўзлар, терминлар, фойдаланишдан чиқиб кетган терминлар, муайян терминнинг қўлланилиш доираси ёки кенгайишига оид янгиликларни узликсиз ва изчил акс эттира олмайди. Лекин электрон луғатлар янги маълумотларни кундалик асосда киритиб бориш ҳамда электрон луғат баъзасини такомиллаштириб бориш имконини беради. Шунингдек, электрон луғатлар тезкор ва самарали қидирув тизимига эга эканлиги билан ҳам фойдаланувчига катта қулайлик яратади. Базага янги элемент қўшиш учун ҳар бир сўз базадаги сўзлар билан солиштириб чиқилади. Агар у сўз базада бўлса, частотасини базадаги сўз частотасига қўшиб қўяди, акс ҳолда, янги сўз базадан топилмаса, файл охиридан шу сўз частотаси билан қўшиб ёзилади. Унинг алгоритми ва дастури қуйидагича:



Электрон луғат – қулай қидирув тизими билан жиҳозланган қоғоз луғатнинг аналог. Электрон луғат анъанавий қоғоз луғатга мос электрон ахборот манбаи сифатида таърифланади. Электрон версияда ахборотни махсус белгиланган ҳар қандай дастурдан сўз ёки сўзлар гуруҳига ишора қилиб чақириш мумкин, бу эса тегишли луғатнинг керакли фрагментини визуаллаштиришга олиб келади. Анъанавий луғатлардан фарқли ўлароқ,

электрон луғат матн ва график тасвирлар билан биргаликда видео ва анимация фрагментлари, овоз, мусиқа ва бошқаларни ўз ичига олиши мумкин, гиперматн ёки гипермедиа асосида амалга ошириш мумкин. Маълумотларни автоматлаштириш жараёнидан олинган тажрибалар шуни кўрсатадики, одатдаги анъанавий луғатларни электрон шаклга ўтказиш фаол лексикографик тизим яратиш учун кифоя қилмайди. Ўзбек тилида оптималлаштириш имконини берувчи махсус технологияларни ишлаб чиқиш, ўзбек тилига нисбатан компьютер томонидан тақдим этилган имкониятлардан фойдаланиш керак. Маълумки, луғат турлари жуда кўп ва улар бир-биридан фарқ қилади. Бу фарқлар муайян луғатнинг бирлиги сифатида элементнинг лексикографик таърифи қанчалик мураккаб ва кўп қиррали эканлиги билан белгиланади. Электрон луғатлар тузиш бу жуда мураккаб жараён ҳисобланади. Лемма, унинг маънолари ва қўлланилиши, грамматик ва фонетик хусусиятлари ҳақидаги лингвистик қоидалардан ташқари, луғатларни тузиш техникасини билиш ҳам бу жараённинг муҳим қисми ҳисобланади. Луғат таркибидаги сўзларнинг семантик маъно қирраларини ифодалаш, маълум бир луғатни маъноли қисмларга ажратилган шаклда кўрсатиш; лексемаларга ҳамда уларнинг семантикасига стилистик, грамматик ва фонетик изоҳлар ёки теглар бериш, берилган лексемага мос келувчи идиоматик ва фразеологик бирикмаларни бириктириш электрон луғат яратишда дуч келинадиган муҳим принциплардан саналади. Бунда кўп тилли луғатларда таржима, бир тилли луғатларда изоҳлашга эътибор қаратилади. Тил билан боғлиқ бўлган дастурий маҳсулотлар яратиш жараёнида тез-тез электрон луғатлардан фойдаланилади ва бу ҳолат электрон луғат семантик-структуравий ҳолатининг тез-тез ўзгариб туриши тақозо этилади. Ўзбек тили ўзлашма грамматик терминларининг электрон луғатини яратиш учун қуйидаги асосий босқичларни амалга ошириш тавсия этилади.

1. Ўзбек тили грамматикасига ўзлашган грамматик терминлар базасини шакллантириш.
2. Шакллантирилган грамматик терминлар базасини қайси усул ёрдамида ўзлаштирилганлигини аниқлаш ва у орқали янги терминнинг тавсия этиладиган охириги грамматик шаклини аниқлаш.
3. Ўзлашган грамматик терминнинг шакл ва маъно хусусиятига кўра ўрнини белгилаш.
4. Ўзлашган грамматик терминнинг этималогияси, семантикаси ва фонологиясини ҳисобга олган ҳолда изоҳ ёки таржимасини яратиш;

5. Ўзлаштирилган грамматик терминларнинг ишончли, ихчам ва электрон луғатнинг қидирув тизимига мос шаклда электрон луғатда акс этишини таъминлаш.

6. Ўзлашма грамматик терминлар маълумотлар базасининг кўзда тутилган дастурий таъминотини яратиш ҳамда уни мувофиқ келувчи корпусда акс эттириш.

Хулоса ўрнида шуни айтиш лозимки, ўзбек тили ўзлашма грамматик терминларининг электрон луғатини яратиш ва уни мос келувчи корпусда акс эттириш орқали ўзбек тилшунослигининг турли соҳаларида олиб бориладиган илмий тадқиқотнинг янги поғонага кўтаришига кўмаклашиш, сифат ва вақт жихатидан такомиллашувига эришиш, ўзбек тилини ўрганувчилар, тилшунослик йўналишида амалий лойиҳаларни амалга ошириш, маҳаллий ва хорижий мутахассислар учун кенг имкониятлар ва қулайликларни тақдим этим мумкин бўлади.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Савчук С.О. Корпус современной русской прессы: из опыта создания и использования // Труды Международной конференции “Корпусная лингвистика – 2011”. – СПб.: Санкт-Петербургский государственный университет, 2011. – 149–154 с.
2. Мельчук И.А. Порядок слов при автоматическом синтезе русского слова (предварительные сообщения) / Научно-техническая информация, 1985. – № 12. – 12–36 с; Meyer C.F. English Corpus Linguistics. – Cambridge: Cambridge University Press, 2002. – URL: <https://pdfs.semanticscholar.org/c775/4bfab1d0f7>
3. Хамроева Ш. О‘zbek tili mualliflik korpusini tuzishning lingvistik asoslari: f.f.d. (PhD) diss. avtoref. – Qarshi, 2018. – 456 b.
4. Селегей В.П. Электронные словари и компьютерная лексикография. URL: [http://www.lingvoda.ru/transforum/articles/seleгей\\_al.asp](http://www.lingvoda.ru/transforum/articles/seleгей_al.asp)